O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
KOSONSOY TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

«29» сентябр 2020 yil 1027-sonli Kosonsoy tumani

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг

кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, 2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 218 нафарини ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,2 фоиз (69 киши, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногирон шахсларнинг ишга жойлашиши бўйича талаб 21 та бўлганлиги сабабли, келгусида 48 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,7 фоиз (81 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 1,6 фоиз (34 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,6 фоиз (14 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,3 фоиз (7 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,3 фоиз (7 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,3 фоиз (6 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш, шу жумладан қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар рўйхати қуйидагича белгилансин:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, тикувчи, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш

тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш;

йил бошлангунга қадар ўн кундан кечикмай ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин, ушбу тўғрисида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлаш, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин ўн кундан кечикмай ахборот бериш;

ташкилотлар ҳар чоракда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этиши;

банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин.

6. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ маъмурий жавобгарлик белгиланиши кўрсатиб ўтилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш

тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 31.05.2019 йил кундаги АВ №3163-сонли буйруғига асосан “ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни, квоталанган иш ўринларининг энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган корхона, ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида, ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш тўғрисида” норма белгиланганлиги маълум қилинсин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (З.Ахмедов) беш кун муддатда ушбу қарорни 1-бандида кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Ушбу қарор “Косонсойнома” туман газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Қаюмов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Б. Юсупов**

Туман хокимининг 2020 йил
“29” сентябр даги
1017 -сонли
қарорига 1-илова

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси

1. М. Қаюмов - Туман ҳокимининг ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосарлари

2. З. Ахмедов - Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари

3. Н.Ғайбуллаева - Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Косонсой тумани бўлими бошлиғи
4. М. Аълохонова - Туман халк таьлими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири
5. Ш.Жўраев - Туман ҳокимлиги хузуридаги Жазони ижро этиш жойларидан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари
6. Б.Жўраев - Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби
7. Д. Соттиев - Туман Аҳоли бандлигига маркази мутахассиси, комиссия котиби.

Изоҳ: комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.

Туман ҳокими ўринбосари **М. Қаюмов**

Туман ҳокимининг
2020 йил "23" сентябрь даги
1027-сонли қарорига
2- илова

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати

Р Ў Й Х А Т И

№	Ташкилотлар	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўринлар сони	Шу жумладан													
				Ногиронлар учун (3 фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун		Пенсияолди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун	
				сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
1	Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси	1164	116	35	3,0	57	4,9	12	1,0	5	0,4	2	0,2	3	0,3	2	0,2
2	PODSHOOTA-CHODAK IRRIGATSIYA TIZIMI BOSHQARMASI	90	9	3	3,3	1	1,1	4	4,4	0	0,0	0	0,0	1	1,1	0	0,0
3	"BARKAS-TEKS" масъулияти чекланган жамият	150	15	5	3,3	5	3,3	4	2,7	0	0,0	1	0,7	0	0,0	0	0,0
4	"KOSONSOY TUMAN YO`LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi	101	10	3	3,0	2	2,0	2	2,0	1	1,0	0	0,0	1	1,0	1	1,0
5	Ободонлаштириш бошқармаси	243	24	8	3,3	3	1,2	5	2,1	4	1,6	2	0,8	1	0,4	1	0,4
6	44-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассаси	130	13	4	3,1	3	2,3	2	1,5	2	1,5	1	0,8	0	0,0	1	0,8
7	9-сонли ихтисослашган мактаб интернати	100	10	3	3,0	4	4,0	2	2,0	1	1,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
8	Косонсой туман ўрмон хўжалиги	72	7	3	4,2	1	1,4	0	0,0	0	0,0	1	1,4	1	1,4	1	1,4
9	6-сонли умумий ўрта таълим мактаби	80	8	3	3,8	2	2,5	2	2,5	1	1,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0
10	"KOSONSOY AL-AZIZ" mas'uliyati cheklangan jamiyati	58	6	2	3,4	3	5,2	1	1,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0
ЖАМИ		**2 188**	**218**	**69**	**3,2**	**81**	**3,7**	**34**	**1,6**	**14**	**0,6**	**7**	**0,3**	**7**	**0,3**	**6**	**0,3**

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари **М.Қаюмов**

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори **З. Ахмедов**

Adolat kuchda emas, kuch adolatdadir! *Amir TEMUR.*

KOSONSOYNOMA

Tuman hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi

• web sayt: www.kosonsoynoma.uz
• e-mail: kosonsoynoma@inbox.uz

2020-yil, 16-oktabr, juma 19-son (5991) Gazeta 1932-yil, 15 dekabrdan chiqa boshlagan • ISSN 2181-0060

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

• ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ТУМАНИМИЗДА

Яқинда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов туманимизга келиб, барча соҳада рўёбга чиқарилаётган тадбирларни атрофлича ўрганди. Амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муаммоларга ечимлар топилди.



ят ҳокими, балки барча йиғилганларнинг кайфиятига кайфият қўшди.

- Наманганни гуллар шаҳри деймиз, бу маскан эса гуллар мактаби экан, - деди вилоят раҳбари. - Барча мактабларда шундай гўзаллик бўлиши ва фарзандларимиз шундай кўркам даргоҳларда таълим олишлари керак.

Вилоят раҳбари "Ўзбекистон" маҳалласида бунёд этилган "Маҳалла маркази"да ҳам бўлди. Яқинда ишга туширилган тикувчилик корхонаси орқали "темир дафтар" рўйхатидаги оила вакилларининг 20 нафари меҳнат билан таъминлангани эътироф этилди. Хотин-қизларга гилам, жунрўмол тўқишни ўргатиш мақсадида ўқув курслари ташкил қилиниб, керакли дастгоҳлар ўрнатилгани ҳам манзур бўлди. Вилоят раҳбари "Янги баҳор шабодаси" оилавий корхонаси раҳбарлари Абдуқаюм ота Абдуллаев ва Раъно ая Абдумажидовалар билан суҳбатлашди.

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-

• МУҲАРРИР МИНБАРИ

ЯНГИ, УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАРГА ДАЪВАТ

Сентябрь ойи мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Улардан бири, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқи бўлди. Мана, бир неча ҳафтадирки, давлатимиз раҳбари БМТнинг юксак минбаридан билдирган фикрлари жаҳоннинг турли мамлакатларидаги сиёсатчилар, экспертлар, журналистлар, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг диққат марказида турганлиги бежиз эмас.

Мазкур нутқ шу кунларда туманимиздаги корхона, ташкилот, муассасаларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда. Президентимизнинг БМТ Бош ассамблеясидаги нутқи энг аввало, ўзбек тилида янграганлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортганлигини қайд этиш зарур. Бу, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганлигини яна бир бор намойиш этди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари кўтарган масалаларнинг кўлами ниҳоятда кенглиги барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Давоми 4-саҳифада

KOSONSOYNOMA
Tuman hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Туман ҳокимининг қарори

ТУМАНДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИГА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛИШ МАҚСАДИДА МАКТАБЛАР МИКРОҲУДУДИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 140-сонли ҳамда 2019 йил 7 июндаги "Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 469-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш, тумандаги барча умумий ўрта таълим мактабларига мактаб ёшидаги болаларни тўлиқ қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан қарор қиламан:

1. Косонсой туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари (А. Шералиев)га, туман халқ таълими бўлими (М. Аллохонова)га тумандаги умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумий ўрта таълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (М. Сойибоев), маҳалла фуқаролар йиғини раислари мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларига амалий ёрдам бериши тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор "Косонсойнома" газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А. Шералиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими Б. ЮСУПОВ

Косонсой шаҳри, 9 октябрь 2020 йил

● 21 ОКТЯБРЬ - ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

ОНА ТИЛИМ - ЖОНУ ДИЛИМ

Она тилида миллат руҳи мужассам бўлади. Шунинг учун ҳам уни авайлаб, эъзозлаймиз. Қолаверса, тилни асраш, ривожлантириш миллатнинг юксалиши ҳамдир. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзидир. Она тилимиз - ўзбек тилига 1989 йил 21 октябрда давлат тили мақоми берилган. Яқиндан бери эса бу кунни Ўзбек тили байрами сифатида нишонлашга киришилди

Туман ҳокимининг қарори

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2021 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида қарор қиламан:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, 2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2-иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 218 нафарини ташкил этган 10,0 гилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш, шу жумладан қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар, одам савдосидан жабрланганлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин, ушбу тўғрисида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлаш, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин ўн кундан кечиқмай ахборот бериш;

ташкилотлар ҳар чоракда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этиши;

банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қараши лозимлиги қайд этилсин.

6. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 21-бандига мувофиқ маъмурий жавобгарлик белгиланиши

ўзбек тили байрами сифатида нишонлашга киришилди.

Президентимизнинг яқинда БМТ ташкил топганлигининг 75 йиллик анжуманида ўзбек тилида нутқ сўзлаганлари эса тилимиз обрўсинии янада оширди.

Биз фаолият олиб бораётган мактабгача таълим ташкилотларидаги 5 та марказнинг энг муҳимларидан бири "Тил ва нутқ маркази" ҳисобланади. У орқали тилнинг аҳамияти, нутқ маданияти ҳақида болаларга илк сабоқлар бериб борилади. Биз, тарбиячиларнинг ёшларда она тилига бўлган меҳр-муҳаббат уйғонишида ҳиссамиз борлигидан беҳад хурсандмиз ва бундан буён ҳам фаолиятимизни кучайтираверамиз.

Зулфия ВАЛИЕВА, 34-мактабгача таълим ташкилоти методисти.

ТИЛ - МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Мамлакатимизда 21 октябрь - Ўзбек тили байрами куни, деб эълон қилингани барчамиз учун ниҳоятда қувонарли ҳол. Мана шундай қутлуғ айём ҳаммамиз учун хайрли келган бўлсин. Нафақат байрам кунлари, балки доимо тилимизни улуғлаш, унинг софлигини сақлаш учун сидқидилдан ҳаракат қилайлик. Муҳими, фарзандларимиз қалбида ўзбек тилига бўлган меҳр-муҳаббатни жо этайлик.

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида қўшалоқ қувончни ҳис этдим. Байрамимиз муносабати билан вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғаси билан тақдирланганимда, устозлар қадр топган мана шундай юртда яшаётганимдан ниҳоятда ғурурландим. Эътибор учун миннатдорлик билдирдим. Жамики билимим, куч ва имкониятларимни ўғил-қизлар ҳар томонлама баркамол авлод сифатида шаклланишлари учун сарфлайвераман.

Турғуной АБДУЛЛАЕВА, 21-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси.

• ОГОҲЛИК

ХАВФСИЗЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Бирон-бир бино ёки иншоот қурилиши бошланиши олдидан унинг тархи ишлаб чиқилади ва лойиҳага кўра қурилиш учун ер майдонлари танланади. Бунда барча ҳужжатлар меъёрий қурилиш қоидалари қатори ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига ҳам жавоб бериши шарт. Яъни кутилмаган вазият юзага келганда, махсус хизматлар транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилган бўлиши керак. Қолаверса, одамларни эвакуация қилиш зарурати туғилганда амалга ошириладиган тезкор тадбирлар учун ҳам имконият бўлиши зарур. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қурилишлар шаҳарсозлик норма ва қоида талаблари асосида олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудудга биз томонимиздан ёнғиннинг олдини олиш гуруҳи ходими бириктирилмоқда. Масъуллар билан тушунтириш ишлари олиб бориляпти, йўриқномалар тарқатилмоқда. Шунингдек, қурилиш майдонида фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда, ёнғин хавфсизлиги хизмати етиб келгунига қадар ҳаракатланувчи кўнгилли ёнғин ўчириш дружинаси ташкил этиляпти.

Хуллас, шаҳар-у қишлоқларимизнинг обод ва кўркамлиги учун рўёбга чиқарилаётган ишларнинг барча босқичларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни ёддан чиқармаслигимиз лозим. Шунда ҳар томонлама фойдали иш қилинган бўлади.

З. АБДУРАҲМОНОВ, туман ФВБ НТБ бошлиғи, катта лейтенант.

нафарини ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,2 фоиз (69 киши, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногирон шахсларнинг ишга жойлашиши бўйича талаб 21 та бўлганлиги сабабли, келгусида 48 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 3,7 фоиз (81 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 1,6 фоиз (34 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 0,6 фоиз (14 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,3 фоиз (7 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,3 фоиз (7 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,3 фоиз (6 киши) миқдорида иш ўринлари заҳирасини белгилаш.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар рўйхати қуйидагича белгилансин:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, тикувчи, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қа-рори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш;

йил бошлангунга қадар ўн кундан кечиқмай ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган шахслар учун қўшимча иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш;

ногиронлар учун ажратилган иш ўринларига ногиронларнинг ишга жойлашиши бўйича талаб 21 та бўлганлиги сабабли, келгусида 48 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин;

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 31.05.2019 йил кундаги АВ № 3163-сонли буйруғига асосан "ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни, квоталанган иш ўринларининг энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган корхона, ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида, ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш тўғрисида" норма белгиланганлиги маълум қилинсин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (З. Аҳмедов) беш кун муддатда ушбу қарорни 1-бандида кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Ушбу қарор "Косонсойнома" туман газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Қаюмов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими Б. ЮСУПОВ.

Косонсой шаҳри, 29 сентябрь, 2020 йил.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Туман ҳокимининг 2020 йил 30 сентябрдаги 1039-сонли қарорига асосан Ш. Рашидов массивидаги "Косонсой зар замин" фермер хўжалигидан жами 93,3 гектар, туман ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги 1067-сонли қарорига асосан Бухоро массивидаги "Боғзорлар баҳори" фермер хўжалигидан жами 52,7 гектар, туман ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги 1066-сонли қарорига асосан Косонсой массивидаги "Фотима Наврўз" фермер хўжалигидан жами 8,5 гектар ва туман ҳокимининг 2020 йил 25 сентябрдаги 1019-сонли қарорига асосан Дўстлик массивидаги "Исириқсой ҳосили" фермер хўжалигидан жами 17,8 гектар ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинган ҳамда талабгорлар йўқлиги учун бир неча йиллардан буён мавжуд туман захирасидаги 323 гектар экин ер, 103 гектар боғ, 19 гектар узумзор, 65 гектар тутзор ва 2281 гектар яйлов ер майдонларида фуқароларни фермер хўжаликлари ташкил этиш ва мавжуд фермер хўжаликлари ер майдонларини кенгайтириш учун тендер танловларида қатнашишлари сўралади.

Туман ер ресурслари давлат кадастри бўлими.